

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 25-январдан 30- январгача)

№22

Тошкент – 2015

25-30 январ

ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТЛАРИ ТАҲЛИЛИЙ-ТАНҚИДИЙ РУҲДА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Жойларда вилоят ҳокимлари тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ҳамда долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этмоқда. Ҳоким ҳисоботини эшитиш амалиётининг ҳаётга татбиқ қилингани халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ишининг самарали ташкил этилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишда узвийликни, юқори турувчи органлар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда, самарали муҳокамалар ташкил этилиши ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, ҳисобот муҳокамаси яқунлари бўйича қабул қилинган қарорда мажлисда кўтарилган масалалар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича стратегик вазифалар, бу соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилаётгани диққатга сазовордир. Мажлисда депутатлар томонидан ҳисобот даврида саноатда ва қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни изчил давом эттириш, макроиқтисодий мувозанатни мустаҳкамлаш, хусусий мулк, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш ва манфаатини ҳимоялаш борасида йўл қўйилган камчилик, нуқсонлар кўрсатиб ўтилди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

27 январь куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бир қатор давлатларнинг элчилари ҳамда Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари қабул қилинди. Вазирликда Германия Федератив Республикаси Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Ҳофер, Франция Республикаси Фавқулодда ва мухтор элчиси Виссинг Жак-Анри Эльс, Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари, элчи Юрий Штерк, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Муваққат ишлар вакили Фиона Макстон билан учрашув бўлиб ўтди.

Сухбат давомида минтақага оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

ЮРТИМИЗГА ЯНА ИККИТА ПОЕЗД КЕЛТИРИЛАДИ

Испаниянинг Talgo компанияси томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга иккита юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар етказиб берилишининг дастлабки муддатлари маълум бўлди. Talgo поездларни 2016 йилнинг сентябригача етказиб беришни яқунлашни режалаштирмоқда. Шартномада 4 та бош ва 20 та йўловчи вагонлари ҳамда 2 та вагон-ресторанларнинг сотиб олиниши кўзда тутилган. Бу вагонлардан иккита таркиб шакллантирилади, улардан ҳар бири 287 нафаргача йўловчи таший олади. “Ўзбекистон темир йўллари” поездлар учун 30 фоизлик аванс тўловини ўтказган, испанияликлар эса поездларнинг асосий конструкциясини ясаш бўйича ишларни бошлаб юборишган. Поездлар муддатидан аввал етказиб берилиши мумкин. Чунки испанлар поездлар учун бутловчи қисмларни тайёрлаш учун буюртмани ўзининг бир нечта заводига бериши ҳисобига вақтни тежайди. Поездларнинг етказиб берилиши бўйича шартнома 2015 йилнинг декабрида имзоланганди. Янги поездлар Тошкент-Бухоро юқори тезликдаги линияда ишлатилиши режалаштирилмоқда. Бу линия жорий йилнинг август ойи охирига қадар фойдаланишга киритилади. Линияни қуришнинг умумий қиймати 400 млн доллардан кўпроқни ташкил қилади. Ҳаракатланиш ишга туширилгач, йўловчилар ва юқларни етказиб бериш 2 соатга, эксплуатацион харажатлар 30 фоизга қисқаради.

Ўзбекистонда Talgo компаниясининг 4 та бош ва 18 та йўловчи вагонидан иборат иккита таркибдан 5 йилдан бери фойдаланилмоқда. Улар Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган қадимий шаҳар шарафига “Афросиёб” деб аталган ва Тошкент-Қарши йўналиши бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатади. Айти пайтгача бу поездларда 750 мингдан кўпроқ йўловчи ташилган.

AFROSIYOV TEZYORAP POEZDI NAVOIIY SHAHRIGA QATNAIY BOSHLAYDI

2016 йилда Навоий вилоятида 70 километр узунликдаги темир йўл линияси қурилади. Бу йўловчиларнинг Тошкентдан Навоий шаҳрига Afrosiyov тезюрап поездида қатнашларига имкон туғдиради.

ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Юртимизда янги «Навоий-Конимех-Мискен» линиясини қуриш бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши бошланди. Янги линиянинг узунлиги 396,9 кмни ташкил қилади. Янги қисм “Мискен” станциясида “Навоий-Учқудуқ-Султонуиздаг-Нукус” темир йўл линияси билан бирлашади, бу Ўзбекистондан шимолий йўналишда, хусусан Қозоғистон ва Россияга юк ташишни амалга оширишга имкон беради. Лойиҳа икки босқичда амалга оширилади. Лойиҳанинг биринчи босқичи 2016-2017 йилларда амалга оширилади ва темир йўл таркибларининг тепловозларда ҳаракатланиши учун “Навоий-Конимех-Мискен” темир йўл линиясининг қурилишини кўзда тутади. Лойиҳанинг бу босқичи 283,1 млн долларни ташкил қилади ҳамда ички манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Иккинчи босқичда линияни электрификациялаш режалаштирилмоқда. Ушбу босқичнинг амалга оширилиши муддатлари ва қиймати кейинроқ белгиланади.

ТОШКЕНТДАН НЬЮ-ЙОРККА ҚЎНИШЛАРСИЗ УЧИШ МУМКИН БЎЛАДИ

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси 2016 йилнинг кузида икки дона Boeing-787 Dreamliner самолётига эга бўлади. Мазкур самолётлар Тошкент-Нью-Йорк рейсида парвозларни амалга оширади. Boeing самолётлари 2016 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистонга етказилади. Янги самолётлар узоқ ва ўта узоқ халқаро йўналишларда фойдаланишга мўлжалланган. Самолётлар етиб келса, Ташкент — Нью-Йорк йўналиши бўйлаб қўнишсиз парвозларни амалга оширишга жалб этилиши мумкин.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Америка корпорацияси билан икки дона Boeing-787-800 Dreamliner ва захира двигателини сотиб олиш бўйича 2008 йилда шартнома имзолаган эди. Битта Dreamliner`нинг каталогдаги баҳоси модификациясига боғлиқ равишда 150-180 миллион долларни ташкил этади.

ТОШКЕНТДА САМОЛЁТЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

28 январь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил топганига 24 йил тўлиши ҳамда Uzbekistan Airways Technics авиакорхонаси самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш марказининг очилиши муносабати билан тадбир ўтказилди. Uzbekistan Airways АҚШнинг Boeing компанияси билан ҳамкорликда Тошкентда МДХдаги биринчи самолётларнинг композицион қисмларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш марказини ташкил қилди. Марказ Uzbekistan Airways Technics авиакорхонаси негизида ишлайди. Boeing компанияси янги тузилмага ярим миллион доллар бегараз инвестиция киритди. Бу маблағ эвазига марказ учун титанли қотишмаларни ишлашда ва бошқа жараёнларда қўлланиладиган махсус печлар харид қилинди. Марказ барча турдаги самолётларга хизмат кўрсата олади. Авиакомпания ходимлари Boeing ҳаво кемаларининг композитли деталларини таъмирлаш бўйича махсус ўқув курсларидан ўтди. Механиклар Сингапурда Basic Composites Repair and Metal Bond курси бўйича амалий ва назарий билимлар олиб қайтди, муҳандислар эса Сиэтлда тайёргарлик ўтади. Шунингдек, жорий йилда Uzbekistan Airways Technics мутахассислари бевосита Boeing-787 Dreamliner лайнерларини таъмирлаш бўйича ўқитилади. Шу йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида Ўзбекистон ҳаво йўлларининг авиапарки иккита Boeing-787 Dreamliner лайнерига эга бўлади.

Маълумот учун, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси 1992 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида биноан ташкил этилган.

2016 ЙИЛДА 65 ТА ЯНГИ ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ОЧИЛАДИ

Юртимизда 2016 йилда қўшимча 65 та янги йўловчи ташиш йўналишлари очилади. Тошкент-Самарқанд йўналишида янги ва замонавий автобуслар кўпайтирилади. Фарғона водийси шаҳарлари ва Тошкентни боғловчи йўналишлар устида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилади. 2015 йил давомида республика бўйича жами 133 та очик тендер ўтказилган. Уларда 1116 та йўловчи ташиш йўналишлари жойлаштирилган. Шундан 205 та шаҳар ичидаги йўналишларини жойлаштириш бўйича 33 та тендер, 799 та шаҳар атрофи ва 47 та шаҳарлараро-вилоятлар ичидаги йўналишларни жойлаштириш бўйича 92 та тендер, 65 та шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишларни жойлаштириш бўйича 8 та тендер ўтказилган. 2015 йил давомида ташувчилар томонидан Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган “ИСУЗУ” русумли автобуслардан Қашқадарё вилоятида 78 та,

Тошкент вилоятида 64 та, Сирдарёда 59 та, Самарқандда 47 та, Бухорода 35 та, Хоразмда 27 та, Қорақалпоғистон Республикасида 21 та, Сурхондарёда 19 та, Фарғонада 18 та, Тошкент шаҳри ва Андижонда 13 тадан, Жиззахда 11 та ва Навоий вилоятида 8 та, жами 413 та янги автобуслар лизинг ва банк кредитлари асосида сотиб олинди, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган.

2015 йил давомида ташувчилар томонидан тижорат асосида фойдаланиш мақсадида 587 та юк автомобили, 85 та микроавтобус ва 445 та (шундан 138 таси “Дамас” русумли) енгил автомобиллари сотиб олинган.

2015 йил давомида агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга 2785 та лицензия ва 182190 та лицензия варақалари берилиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига лицензияланган автомобиллар сони 90024 тани ташкил этди. Кейинги 15 йил ичида йўловчи ташиш йўналишлари сони 2 баробар ошган – 4346 та. Шундан 997 таси шаҳар ичидаги, 2732 таси шаҳарлар атрофидаги ҳудудлар бўйлаб, 617 таси эса шаҳарлараро йўналишлар.

СўНГГИ 25 ЙИЛ ИЧИДА 3000 ЖУРНАЛИСТ ЎЛДИРИЛДИ

Сўнги 25 йил давомида урушлар, инқилоблар, қотиллик ва порахўрлик мавзуларини ёритиш билан шуғулланган энг камида 3 минг нафар журналист ҳаётига суиқасд қилинган. Журналистлар халқаро федерацияси ҳисоботида келтирилишича, журналистлар билан боғлиқ вазият йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Агарда 1990 йилда 40 та қотиллик қайд этилган бўлса, 2010 йилдан буён улар сони 100 тадан пастлагани йўқ. Қайд этилишича, 155 нафар ОАВ ходими ўлдирилган 2006 йил мазкур статистика юритилаётган даврдан буён энг ёмони бўлди. Журналистлар халқаро федерацияси бош қотиби Энтони Белленжернинг қайд этишича, ҳар ўн та ҳолатнинг биттасигина тергов қилинмоқда. Шу боис Белленжер қотилларни ҳимоя қилаётган жазосизликни тўхтатишга чақирди. Бугунга қадар Ироқ журналистлар учун энг хавфли давлат бўлиб турибди. Ушбу мамлакатда 25 йил ичида 309 нафар ОАВ ходими вафот этди. Иккинчи ўринда эса Филиппин хизмат вақтида ҳаётдан кўз юмган 146 журналист билан тилга олинган. Учинчи ўринни эса Мексика (120 қотиллик) банд этган.

НИДЕРЛАНДИЯДА ҲАЙДОВЧИСИЗ ЭЛЕКТРОАВТОБУСЛАР

Ўтган ҳафтадан Нидерландияда фақатгина WePod ҳайдовчисиз электроавтобуслари ҳаракатланадиган янги йўналиш ишга туширилди. Янги транспорт воситаси тўлиқ автоматлаштирилган ва рул бошқарувига эга эмас. Автобус ҳаракатланиш вақтида йўналишнинг батафсил хариталари, камералар, радар ва лазер датчиклардан олинadиган маълумотларга таянади. Буларнинг барчаси йўлдаги вазиятга ўз вақтида жавоб беришга имкон беради. WePod кабинаси автоматик очиладиган эшик, ногиронлар аравачаси учун кўтаргич ва 6 йўловчи ўриндиғи билан жиҳозланган. Электроавтобус тўла қувватланиш билан 100 км йўл боса олади. Унинг максимал тезлиги 40 км/соатни ташкил қилади, бироқ бу тезлик Европада рухсат берилган 25 км/соатгача туширилади. Автобус ҳозирча синовдан ўтказилаётгани сабабли йўналиш узоқлиги 200 метрни ташкил қилмоқда. Унинг ҳаракатланиш тезлиги 8 км/соатгача туширилган. Йўловчилар ташиш Вагенинген йўлларида ҳайдовчисиз, бироқ операторнинг кузатувида амалга оширилмоқда. WePod синовдан ўтгач, Вагенинген ва Эдэ шаҳарлари ўртасида ҳаракатланишни бошлади. Йўловчилар мобиль қурилмалар дастури ва бекатлардаги терминаллар орқали бу автобусларда юриш учун олдиндан буюртма беришлари мумкин бўлади.

ШАМОЛ ПАРРАКЛАРИ

АҚШ энергетика вазирлиги Сандий миллий лабораториясига парраклари эни 200 метргача етадиган сузиб юрвчи шамол турбиналарини конструкциялаш вазифасини топширди. Ҳозирда парраклари 80 метрга етадиган энг катта шамол турбиналари Японияда жойлашган. Улар 7 мегаватт электр энергия ишлаб чиқаради. АҚШда эса 50 мегаваттлик шамол генераторлари яратишмоқчи. Янги конструкция кучли денгиз шамолини йўқотишларсиз «тутишга» имкон берувчи махсус элементлар билан жиҳозланади. Кучли шамолларда бузилиш хавфини камайтириш мақсадида ротор кураклари шамол йўналишида йиғилади. Лойиҳа ҳозирча ишлаб чиқиш босқичида турибди. Аниқ натижаларни 2020 йил охирига кутиш керак бўлади. Шу вақтга келиб АҚШ энергетика вазирлиги мамлакатда ишлаб чиқарилувчи 20 фоиз электр энергияни шамол электр станциялари ёрдамида олмоқчи.

АМЕРИКА ФУҚАРОЛИГИДАН ВОЗ КЕЧГАНЛАР

2015 йилда АҚШ фуқаролиги ва мамлакатда узоқ муддат истиқомат қилишдан воз кечганлар сони рекорд даражага етди. Молия вазирлиги маълумотларига кўра, бир йил давомида 4279 киши фуқароликдан кечган. 2015 йилда кетма-кет учинчи йилдан буён бу борада рекорд натижа қайд этилаётгани маълум қилди. WSJ экспертлари фикрича, фуқароликдан воз кечиш АҚШ ҳукуматининг америкаликларнинг офшорлардаги ҳисоб рақамларига қарши кураш кампанияси билан боғлиқ. Вашингтоннинг хориждаги даромадлар учун солиқ тўловларини ўрнатиш билан боғлиқ сиёсати ҳам фуқароликдан воз кечишга сабаб бўлаётгани ҳам таъкидланмоқда.

ИШИДНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ЙЎЛИ

ИШИД жангариларини парчалаб ташлаш учун террористларни нефть ва молиявий оқимлардан бебаҳра қолдириш керак, деди АҚШ президентлигига номзод, миллиардер Дональд Трамп. “Тўрт йил муқаддам мен террористларни йўқ қилиш учун уларнинг нефть объектларини бомбалаш ва улар қўлидан нефтни тортиб олиш керак, деб айтган эдим”,- деди тадбиркор. “Агарда биз шуни қилганимизда, ҳозир бундай муаммо бўлмас эди. Бугун мен яна ўша гапларни айтаман”,- деди Трамп Нью-Ҳемпшир штатидаги теледебатлар чоғида. Тадбиркор АҚШ ўз иттифоқчиларидан уларнинг банк тизимлари орқали террористларга етиб бораётган барча молиявий оқимларни тўхтатишни талаб қилиши лозимлигини қайд этиб ўтди. “ИШИД қўлига катта миқдордаги маблағлар иттифоқчиларимиз ҳисоблари орқали ўтмоқда. Шунинг учун молиявий ва нефть оқимларининг тўхтатилиши террористларни танг аҳволга солиб қўяди. Буни тўрт йил аввал қилиш керак эди”.

СУРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

БМТ бош қотиби Пан Ги Мун Женевадаги Сурия музокараларининг бузилиши Россиянинг Алеппода Башар Асад қўшинларининг қуруқликдаги амалиётларига кўмаклашиш истагидан воз кечмаётлари билан боғлиқ эканини маълум қилди. “Учрашувга йиғилишимиз билан Алеппода бомбардимонлар ва қуруқликдаги амалиётлар бошлаб юборилди,- деди Пан Ги Мун Лондонда FT`га берган интервьюсида.- Бу эса Стаффан де Мистура [БМТнинг Суриядаги махсус элчиси]ни

ноқулай аҳволга солиб қўйди”. БМТ бош котибининг фикрича, Сурия бўйича фавқулодда заиф дипломатик жараён ўт очишларни зудлик билан тўхтатилишини талаб қилмоқда. Пан Ги Мун фикрича, Россиянинг Асад тузумини қўллаб-қувватлаётгани вазиятни ижобий ҳал этишдаги ҳаракатларга ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. “Ҳаводан ҳужумларнинг давом эттирилиши, жумладан, террористларга қарши қонуний ҳаракат қилиш ҳам тинч аҳоли вакилларининг ўлимига, фуқаро объектларини вайрон бўлишига олиб келмоқда. Айниқса ҳозир, музокаралар бошлангандан сўнг ўта эҳтиёткорлик зарур. Бироқ муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ўрнига Сурия ҳукумати кўтариб чиққан кимни таклиф қиламиз, кимни эса йўқ, кабилидаги майда-чуйдалар музокараларни булғади”, - деди БМТ бош котиби.

ТУРКИЯ ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ИНҚИРОЗ

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатга расмий ташриф билан келган Туркия бош вазири Аҳмад Довудўғли билан учрашди. Учрашув вақтида икки томонлама ҳамкорлик, жумладан, сиёсий мулоқотлар ва маданий алмашувларни мустаҳкамлаш, транспорт, энергетика, туризм ва қурилиш инфратузилмалари соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда Назарбоев Туркия атрофидаги воқеа-ҳодисаларнинг Қозоғистонга ҳам таъсири борлигини таъкидлаб, мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари қидириш лозимлигини айтиб ўтди. “Содир бўлаётганларнинг кўплаб сабаблари ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Сурия ва Ироқдаги можаролар мусулмонлар ўртасида бирдамликнинг йўқлигини кўрсатди. Биз шундай вазиятга яқинлашдикки, Ғарбда суннийлар ва шиалар ўртасидаги қарама-қаршилик аввалроқ ҳал этилиши мумкин эди. Биз учун Россия ва Туркия ўртасидаги муносабатлар инқирози ҳам катта муаммога айланди. Ҳар икки давлат ҳам бизнинг муҳим иттифоқчиларимиз ва шерикларимиздир”, - деди у.

СУРИЯ АРМИЯСИ ТУРКИЯ ЧЕГАРАСИГА ЯҚИНЛАШДИ

Сурия ҳарбийлари Туркия чегараси томон яқинлашишда давом этмоқда. Россиянинг ҳаводан қўллаб-қувватлаши ва эронлик ҳарбийларнинг кўмаги билан Асад армияси ҳукуматга қарши исёнчилар 5 йил давомида эришган барча ютуқларни йўққа чиқармоқда. Reuters тарқатган хабарга кўра, суриялик ҳарбийлар ва уларнинг эронлик

иттифоқчилари ҳозирда Туркия чегарасидан 25 км узоқликда турибди. Исёнчилар хабарига кўра, ҳукумат армияси сўнгги 2 йилда ҳаводан Россия ва қуруқликда эронлик ҳарбийларнинг кўмаги билан кучайиб кетган. Натижада исёнчилар кундан кун жанггариларини ва эгаллаган ҳудудларини бой беришмоқда.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А